

Ўзбекистон Алоқа ва Ахборотлаштириш Агентлиги
Тошкент Ахборот Технологиялари Университети
Фарғона филиали
“Ахборот технологиялари”
факультети
“Информатика ва ахборот технологиялари”
йўналиши
“Ахборот технологиялари ”
Кафедраси

“Электрон дизайн” фанидан



Мавзу: HTML билан танишув.

612-06 гуруҳ талабаси Мулайдинов Ф.

Амалий машғулот №1

Мавзу: HTML билан танишув.

Ишдан мақсад: HTML Билан ишлаш кўникмасини эгаллаш.

Интернет тармоғи гиперматн ҳужжатларга асосланган гигант маълумотлар тўпламини ўз ичига олади. ҳар қандай гиперматн ҳужжат ANSI ASCII форматидаги оддий файлдир. Бу файллар ўз ичига матн ва унинг ўлчами учун теглар, бошқа шундай ҳужжатлар учун мурожаатлар, график тасвирлар ва ҳар қандай бошқа файллар кўринишида бўлиши мумкин. Гиперматнни кўриш учун браузер юкланади, барча файллар браузерда махсус HTML(Hyper Text Markup Language- Гиперматн ўлчамларини ўрнатиш тили) тили билан биргаликда айта ишланади.

HTML тили тарихидан баъзи маълумотлар. HTML тили ишлаб чиқарувчилари унинг бир нечта версияларини ишлаб чиқардилар. 1.0 ва 2.0 версиялар чиқарилгандан сўнг 1995 йилда 3.0 версиянинг қоралама варианты тайёрланди. Бу 2.0 версияга анчагина қўшимчалар қўшилган версия эди. Асосий браузер ишлаб чиқарувчи(Netscape ва Microsoft компания) лари ўзларининг махсус HTML кенгайтмаларини ишлаб чиқдилар, бу кенгайтмалар бир бирига тушмас эди. Ҳозирги вақтда Netscape Navigator нинг 6.0 ва Microsoft Internet Explorer нинг 5.5 версиялар деярли бир хил бўлиб, кенгайтмалари орасида деярли тафовут йўқ.

Муваффақиятсиз бўлган HTML нинг 3.0 версияси 3.2 версияга алмаштирилди. Бу версиясни ишлаб чиқаришда Netscape Communications Corporation, Microsoft , IBM, Novell, SoftQuad, Sun Microsystems ва Spyglass компаниялари иштирок этдилар.

Ҳозирги кунда HTML нинг яна бир 4.0 версияси ишлаб чиқарилган бўлиб ўзида кўплаб фойдали кенгайтмаларга ега.

Шуни таъкидлаш керакки HTML тили ҳеч қандай дастурлаш тили эмасдир. HTML- бу ўлчамларни типик тили, унинг ёрдами билан ҳхужжатларни безаш , мурожаатлар ҳосил қилиш мумкин лекин дастур тузиш эмас. ҳатто Web саҳифаларда кўрадиганимиз махсус ҳаркатлар(эффектлар)ни ҳам HTML да тузилмайди, бундай ҳаракатлар қўшимча воситалар ,масалан JavaScript тилида тузилади.

HTMLда саҳифа ҳосил илиш

HTML саҳифалар оддий матн файллардир, шунинг учун саҳифа тайёрлашда Microsoft Notepad содда матн редактори ўзи етарли.

Саҳифа тайёлаш учун Notepad дастури ишга туширилади. Унда

```
<HTML>
```

```
    <HEAD>
```

```
        <TITLE>BIRINCHI SAHIFA</TITLE>
```

```
    </HEAD>
```

```
    <BODY>
```

```
        Salom Dunyo !
```


```
    </BODY>
```

```
</HTML>
```

ёзилади ва уни Birinchi.htm қилиб сақланади.



Маълумот салаган папкани очиб саланган Birinchi.htm ни устида сичқонча чап тугмасини икки марта босилса автоматик тарзда ҳхужжатдаги маълумот чиқариш ойнаси ҳосил бўлади .



HTML ҳхужжат таркиби

Ҳар қандай HTML ҳхужжат матн файллардан тузилган ва бир ёки бир нечта қатордан иборат ,теглар деб аталувчи элементларни ўзичига олади. Тегларни бошқа элементлардан ажратиш осон бўлиб улар “<” ва “>” қавслар билан чегараланган бўлади. Кўпгина теглар жуфт ишлатилади, улар очилувчи ва беркитилувчиларга ажратилади. HTML ҳхужжатларда қуйидаги асосий теглар ишлатилади:

<HTML> теги, бу ҳхужжат HTML ҳхужжат еканлигини билдириш учун ишлатилади. ҳхужжат танаси <HTML> ва </HTML> билан удди қуйида кўрсатилгандек чегараланган:

<HTML>

...(HTML ҳхужжат)

</HTML>

HTML ҳхужжат иккита асосий қисмдан иборат- ҳхужжат сарлавҳаси ва ҳхужжат танаси:

<<HTML>

<HEAD>

...(hujjat sarlavhasi)

</HEAD>

```
<BODY>
    ...(hujjat tanasi)
</BODY>
</HTML>
```

Сарлавҳа тузилиши.

ҳужжат сарлавҳасига қуйидаги маълумотлар киради:

- Саҳифа номи. <title>...</title> саҳифага ном бериш имконини беради. У HTML саҳифа экранда чикканда броузер сарлаҳаси сифатида намоён бўлади;
- ССенарий. Саҳифада бажарилувчи исталган ссенари, масалан JavaScript да ёзилган ссенарий;
- Стиллар. бошқарув элементларини ёки стиллар ўшиш мумкин;
- Метаахборот.

Мисол: сарлавҳа.

```
<HTML>
  <HEAD>
    <TITLE>BIRINCHI SAHIFA</TITLE>
  </HEAD>
</HTML>
```

Сарлавҳа теглари

- <h1>...</h1> - <h6>...</h6>. Теглар ўлчами сарлавҳа ва сарлавҳа ости маълумотларига қўлланилади.

Масалан: Сарлавҳа типлари.

```
<HTML>
  <HEAD>
    <TITLE>BIRINCHI SAHIFA</TITLE>
  </HEAD>
```

<BODY>

<h1>Sarlavha 1</h1>

<h2>Sarlavha 2</h2>

<h3>Sarlavha 3</h3>

<h4>Sarlavha 4</h4>


<h5>Sarlavha 5</h5>

<h6>Sarlavha 6</h6>

</BODY>

</HTML>

Броузерда кўриниши:



Шрифтни танлаш.

Тез-тез кўриниши бошқасидан ажралиб туриши учун алоҳида гапларни , сўзлар ёки белгиларни ажратиш учун шрифт ишлатилади.

HTML тилида тегларни махсус тури бўлиб улар белгиларни физик форматлаш учун мўлжалланган. Бу теглар белгиларни ташқи кўринишини аниқ тасвирлаб беради:

<HTML>

<HEAD>

<TITLE>BIRINCHI SAHIFA</TITLE>

</HEAD>

<BODY>

 Qo`yiq matn

<I>Qiyshiq matn</I>

<U>Chizilgan matn</u>


<STRIKE> Chizilgan matn</STRIKE>

<BIG>Kattalashtirilgan matn</BIG>

<SMALL>Kichiklashtirilgan matn<SMALL>

</BODY>

</HTML>



Атрибутлар билан танишиш

Кўпгина теглар атрибутлар деб аталувчи параметрларни ўз ичига олади. Атрибутлар Web-броузерга бу тег элементи нима иш бажаришлиги ҳақида қўшимча маълумот беради. Атрибутлар- бу “=” белгисидан кейинги номлар бўлиб ундаги қиймат ўзлаштирилади. Масалан:

<BODY>

<P align="center" title="Indian">Remain close to the great spirit.</P>

<P align="Indian" title="center">Remain close to the great spirit.</P>

<P align="center" title="Indian">Remain close to the great spirit.</P>

</BODY>

Ушбу код ҳар бир саҳифа учун бир хилдир.

Title атрибути матн подсказкасини билдиради.

Хулоса

Мен ушбу амалиёт иши давомида HTML тили ва уни имкониятлари билан танишиб чиқдим, ўзимга керакли бўлган билимларни егалладим. HTML тили тарихи унча узоқ билан боғлиқ бўлмасада лекин жадал ривожланишга эга. Ҳозирги аср ахборот асри деб юритилмода. Бизнинг асримизда ахборот алмашинуви жуда тез амалга оширилмода бунда Интернет технологияларининг аҳамияти каттадир. Ўз навбатида Интернет технологияларида HTML технологияни ҳам ўз ҳиссаси бордир. Демак, HTML тилини яхши билиш Интернет технологиялари ишлашга кўмаклашар экан.